



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 11 август № 32 (157) •

Сотувда нархи эркин

МАГИСТРАЛ ҚУРИЛИШИ ИШЧИ ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Илгари хабар берганимиздек, «Ўзбектелеком» концерни таклифига биноан Транс — Осие — Европа шиша толали оптик алоқа магистралли лойиҳалаш ва қурилиш ишчи гуруҳларининг VIII кенгаши бўлиб ўтганди. Кенгаш техник ва молия ишчи гуруҳларига бўлиниб иш олиб борди. Ўзбекистондан техник ишчи гуруҳи таркибиде «Ўзбектелеком» концерни раиси муовини Р. Юнусов, Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази бошлиғи Р. Рамазонов, молия ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Иқтисодиёт ва давлат мулкани бошқариш бўлими бошлиғи М. Маҳмудов, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Т. Урозобоевлар вакил сифатида қатнашдилар.

Кенгашнинг техник ишчи гуруҳида 12 мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Унда Транс — Осие — Европа магистрал кабелъ лойиҳаси қатнашчиларининг ишчи гуруҳи қурилиш тўғрисидаги техник ҳисоботлари тингланди. Эрон Ислоом давлатининг



СУРАТДА: Кенгаш иштирокчилари.

Сураткам А. РИСКИБЕВ

вакили тендер (танлов) ўтказилганлигини, «Эрон Телеком» ва «Сименс» фирмаси билан турт ой ичида алоқа жиҳозларини келтириб ўрнатишларини, йил охиригача кабелъ ётқизиши тугалланишини маълум қилди. Туркиядан келган вакил эса қурилиш ишлари 1995 йил сентябрь ойида тугалланишини айтди. Украина вакили Одесса — Киев орилигида кабелъ ётқизиш бошланганлиги, Львов шаҳри билан Польша чегараси ора-

сида кабелъ ётқизиши тугалланганлиги ҳақида маълумот берди. Шунингдек, бошқа мамлакат вакиллари ҳам ўз мамлакатларига олиб борилаётган ишлар ҳусусида ахборот беришди. Жумладан, кенгашда польшалик мутахассислар қурилиш ишлари 1995 йил сентябрь ойида тугалланишини айтди. Украина вакили Одесса — Киев орилигида кабелъ ётқизиш бошланганлиги, Львов шаҳри билан Польша чегараси ора-

Шундан сўнг қурилишнинг динияларга бўлган техник талаб муҳокама қилинди. Ҳозирги қурилишнинг алоқа линияларининг сифати жаҳон талабларига жавоб бера оладиган бўлиши лозим. Шундангина алоқа соҳасидан фойда олиш мумкин. Бу борада «Ўзбектелеком» концерни ҳам бир талай ишларни амалга оширяпти. Германиянинг «Сименс» фирмаси билан 24 мил-

лион 900 минг немис маркасига шиша толали алоқа жиҳозларини сотиб олиш учун шартнома тузилди, маълум миқдорда маблағ ҳам тўлаб қўйилди. Тошкент — Самарқанд — Бухоро орилигидаги қурилиш-монтаж ишлари учун лойиҳа тугалланди. Самарқанд — Тожикистон давлат чегаралари орилигидаги қурилиш-монтаж ишлари лойиҳаси август ойининг охирида ниҳоясига етказилди. «Ўзбеккалоқинвест» ҳиссадорлик жамияти қурувчи мутахассислари томонидан Тошкент, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида кабелъ қурувлари ётқизиши битказилди.

Кенгаш молия ишчи гуруҳи Транс — Осие — Европа магистрал қурилиш лойиҳаси тариф сисёати масалаларини кўриб чиқдилар. Ушбу масалаларни ҳал қилиш бўйича барча давлатлар бир тўхтама келиши. Шу билан Тошкентда ўтказилган кенгаш ўз ишини якунлади. Транс — Осие — Европа шиша толали оптик алоқа магистралли лойиҳалаш ва қурилиш ишчи гуруҳларининг навбатдаги йиғилиши Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида, жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилган бўлди.

«Ўзбекистон почтаси» концернининг кенгаши бўлиб ўтди. Ингилишнинг концерни раиси Р. Зикиров олиб борди. Мажлисида Янгйер шаҳар почта алоқа боғламасида содир бўлган фожиа ва «Ўзбекистон почтаси» концернининг биринчи ярим йиллик ҳисоботи ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди. Янгйерда-

инсон сифатида мени ҳаяжонлангирди. Мен у ердаги барча воқеаларни ўз кўзим билан кўриб, бир ҳамкасбимни йўқотганимдан жуда афсусландим. Айрим жойларда нафақаўрларга ўз вақтида нафақаси етказиб берилмаётгани норозиликларга сабаб бўлаётди. Бунга эса асосий айбдор почта ходимлари бўлиб қолаётди. Бу аслида тўғри эмас.

почтачилар ҳам алоҳида масъулият билан ишлаши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Кенгашда «Республика почта алоқа корхоналарида мулкни сақлашни таъминлаш бўйича Давлат алоқа назорати ва Республика ахборот-ҳисоблаш марказининг тегишли натижаларида кўрсатилган камчиликлар ҳақида» «Ўзбекистон почтаси» концерни раисининг биринчи ўринбосари М. Раҳматуллаев, «Народное слово» газетасининг жорий йил 27 июнь сониде босилиб чиққан мақола юзасидан хат-хабарларнинг бориш муддатини назорат этиш» бўйича, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси ўринбосари К. Тулебоев, «Хоразм давлат почта алоқа корхоналари умумий текширув натижалари тўғрисида» «Ўзбекистон почтаси» концернининг биринчи ўринбосари М. Раҳматуллаев, «Тошкент алоқа коллежида 1995-1996 ўқув йилида абитуриентларини қабул қилиш натижалари ҳусусида» коллеж директори Э. Нуриддинов ва «Концернда давлат тили ҳақидаги қонуinning қандай бажарилаётганлиги ҳақида» «Ўзбекистон почтаси» концерни кадрлар бўлими бошлиғи У. Султоновлар маъруза қилдилар. Барча қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Кенгашда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржонов қатнашди.

Изаат АҲМЕДОВ

ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

ги воқеа ҳусусида комиссия хулосаси тингланди. Бу ҳақда «Ўзбекистон почтаси» концерни умумий бўлимининг бош мутахассиси Х. Сағдихонов қисқача маълумот берди. Комиссия хулосасига кўра, Янгйер шаҳар почта алоқа боғламасида нафақаўрларни тарқатиш масаласида муайян камчиликлар борлиги аниқланган.

Ушбу масала юзасидан Сирдарё давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи М. Қилчиева ахбороти тингланди. Муҳокамада «Тошкент почтаси» давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи С. Ҳотамов сўзга чиқди. Жумладан у шундай деди: «Янгйерда содир этилган ушбу қотиллик оддий

Нега энди почта ходимлари халққа хизмат қила туриб осонгина азият чекишлари керак экан? Ҳозир барчани қийнаётган ушбу масалалар юзасидан юқори органларга мурожаат қилина қойиладан холи бўлмади».

Шундан сўнг «Почта алоқа корхоналарининг ишлаб чиқариш молиявий фаолияти биринчи ярим йиллик якулини ҳусусида» «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Зикиров маъруза қилди. Маърузачи концернда ярим йил ичида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳусусида тўхталиб, жойларда айрим почта корхоналари жуда суст ишлаётганлигини, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгилıklar • Хабарлар

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатонасида Ўзбекистонда инсоннинг ижтимоий тараққиётига бағишланган миллий маъруза тақдирот маросими бўлиб ўтди.

• Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналар ўзга-ўзига фаолиятини кўриб чиқиш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қошидаги пул-кредит сисёати комиссиясининг мажлиси бўлди.

• Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Илоом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлда бўлиб ўтган мажлисида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, пул муомаласи ҳамда халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ахроли тўғрисида сузлаган нутқида ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Э. Рўзиёев шу ҳақда маъруза қилди.

• Шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусов» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти Кубогига учун профессионал теннисчиларнинг Халқаро турнири ўтказилди. Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишди.

• Америка Қўшма Штатларининг Шимоллий Каролинадаги Биографик тадқиқотлар халқаро институти самарқандлик олимпиада Носирововани «1995 йилнинг машҳур кишиси» деб эълон қилди.

• «Нью-Йорк таймс» (АҚШ) газетасининг хабар беришича, Россияда ўртача умр кўриш бу йил янада пасайиб кетган. Энди Россияда эркекларнинг ўртача умри Хиндистон, Миср ва Боливия мамлакатларидаги ўртача даражадан ҳам пастдир.

• Россия Президенти Борис Елдин қарийб бир ой давом этган юрак хасталигидан сўнг Кремлдаги кабинетиде иш бошлади.

• Эстониядаги «Эстония эйр» миллий авиакомпанияси Таллин — Санкт Петербург йўналишин бўйича учушларни вақтинча тўхтатди. Сабаби — самолётлар мижозлар камлигидан тўлиб-тўймай учмоқда, компания эса бундан катта зарар кўрмоқда.

• Асир олинган ва мажбуран ўчлаб турилган кишиларни айирбўлаш тўғрисида Россия ва Чеченистон томони ўртасида душанба кўнига мулжалланган тадбир айрим келишмовчиликлар туфайли амалга ошмай қолди.

• Грузияда шу йил сентябрь ойидан бошлаб миллий валюта — лари муомалатга киритилди.

• Япония ҳамон Франциянинг Тинч уммонидеги Атолла Муруроада ядро синовларини ўтказиш ҳақидаги қарорига қатъий норозилик билдирмоқда.

ШАРТНОМАЛАР САМАРА БЕРАЁТИР

Ўзбекистон алоқа корхоналари яқин йилларгача валюта ишлаш тажрибасига эга эмас эди. Янгича шартнома алоқа хизматини валютада ҳисоблашни ташкил қилишни талаб қилди.

Шу муносабат билан 1992 йил январидан халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар Маркази (ХХШМ) ишга туширилди.

Шу пайтгача мажмур Марказ томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз ХХШМ бошлиғи Майрам Авазовна ХОЛМУРОВА билан суҳбатлади:

— Даставвал ташкилий тадбирлар мажмуаси бажарилди. Биринчи гада эксплуатация корхоналари билан халқаро сўзлашувлар трафигини ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан мураккаб ишлар амалга оширилди. Марказ томонидан телекоммуникация тармоғининг барча соҳаларига оид ҳужжатлар ишлаб чиқилган, чет мамлакатлар ва эксплуатация қилувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблар олиб бориш имконияти туғилди.

1993 йилдан бошлаб ХХШМ икки томонлама шартномалар тузиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни олиб бориш бўйича барча вазифаларни ўз зиммасига олди. Ўзаро электралоқа хизматларини кўрсатиш бўйича собиҳ Иттифоқнинг барча мамлакатлари алоқа мамуриятлари ва узоқ хориж мамлакатларининг қатор компаниялари, шунингдек, МДХнинг бир қанча телекомпаниялари билан уларнинг дастурларини олиб кўрсатиш учун техникавий воситалардан фойдаланиш имконини бериш бўйича шартномалар тузилди.

Айниқса, Вазирликнинг халқаро телефон алоқасини ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб боргани яхши самара берди. 1992 йилда узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш учун Ўзбекистоннинг фақат Москва шаҳрида жойлашган халқаро телефон станцияси орқали уланган каналлар озроқ эди, ҳозир эса халқаро телефон каналлари анчага кўпайди. Узоқ хорижий

мамлакатлар билан телефон алмашинуви ҳозирги кунда 1992 йилга нисбатан уч баробардан зиёдроққа ўсди.

Алоқа вазирлиги ва унинг қарамоғидаги корхоналар куч-гайрати туфайли чет мамлакатларнинг 7 та йирик компаниялари: Япониянинг КДД, Германиянинг ВРТ, Туркиянинг РТТ, Буюк Британиянинг ВТ, АҚШнинг АТТ, Франселеком, Ҳиндистоннинг VSNL компаниялари билан тўғридан-тўғри алоқа йўналишлари йўлга қўйилди.

Ўтган йилдан бошлаб қатор чет эл компаниялари билан халқаро транзит телефон алоқаси хизматини ташкил қилиш бўйича шартномалар тузилди. Бугунги кунга келиб, Буюк Британия ва Германиядан Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларига коммутиациялашган транзит ташкил қилинди.

— Буларнинг бarchаси иқтисодий, молиявий кўрсаткичларда, тарифларда қандай ақсини тоиди?

— Алоқа хизматига белгиланган тариф хизмати корхоналаримиз ҳолатини ва хорижий компаниялардан ўзаро ҳисоб-китоб бўйича тушувчи конвертланувчи валюталар тушумини белгилловчи асосий омиллардан бири бўлгани учун марказимиз бунга катта эътибор беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқаро телефон ва телеграф алоқасига белгиланган тарифлар ўртача жаҳон кўрсаткичлари даражасидадир.

— Марказда амалга оширилган ишлар кишини қувонтиради. Бироқ бу ҳали иш битди деган гап эмас. Энди қайси йўналишларда ишни да-

вом эттирмоқчисизлар? Нималар эвазига алоқачилар энди қўшимча дивиденд олиш имкониятига эга бўладилар?

— Халқаро алоқани ривожлантириш режасига мувофиқ 1995-1996 йилларда Исроил, Италия, Корея, Хитой, Швейцария, Сингапур компаниялари билан тўғридан-тўғри каналлар ташкил қилиш бўйича келишиб олинди.

Айтиш мумкинки, узоқ мамлакатлар билан халқаро телефон алоқасини ташкил қилиш бўйича республикамизда барча имкониятлар яратиб берилпти. Бироқ жумҳуриятимизда халқаро телеграф станцияси йўқлиги туфайли ҳозиргача Халқаро телеграф алоқалари Москва орқали амалга оширилмоқда.

1994 йилдан бошлаб Россия Федерацияси билан телеграф алоқалари юзасидан халқаро тамойиллар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтилгани учун «Ростелеком» халқаро ҳисоб-китоб Маркази томонидан жуда юқори тарифлар белгиланди. Бизга бундай тарифлар тўғри келмайди.

Шунинг учун Тошкентда узоқ хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри чиқувчи йўналишларни ташкил қилиш имконини берувчи халқаро телеграф станциясини қуришга жиддий эҳтиёж сезилмоқда.

— Инда қандай қийинчиликлар бор? Сиз бажарётган ишлар ҳали янги, мураккаб, шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Яқин хорижий давлатлар билан халқаро алоқа хизматларини айирбошладдаги асосий қийинчиликлар тўловларни амалга оширишда, валютани конвертлаштиришда, ва Россия телерадиокомпанияларининг молиявий қийинчиликларида кўринмоқда.

*Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларда юқори ижобий натижага эришишининг асосий масалаларидан бири узоқ хорижий мамлакатлар билан келувчи ва кетувчи тарифлар нисбатини оқид-

лона тартибга солишдир. Аммо АМТС техник имкониятларининг чекланганлиги туфайли айни пайтда тарфики тартибга солишининг иложи бўлмапти. Ҳозир йўлдош алоқаси станциясига кўлаб халқаро канал уланган. Аммо келажакда бу муаммо ижобий ҳал қилинади, деб ўйлайман.

— Яқин истиқболдаги асосий халқаро алоқа хизматлари алмашув ишлари нималардан иборат?

— Биринчи навбатда — яқин ва узоқ хорижий мамлакатларга чиқувчи тўғридан-тўғри йўналишларни ташкил қилиш бўйича ишларни давом эттириш. Халқаро телефон алоқасини ривожлантириш режасига кўра, 1995-1996 йилларда камиди 20 та мамлакат билан янги йўналишларни ишга тушириш мўлжалланган. Келгусида Тошкент шаҳрида халқаро телеграф станциясини ишга тушириш ниятимиз бор.

Яқин хорижий мамлакатлар билан трафик бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муносабати билан кетувчи тарфики тезкор тартибга солиш муаммоси чуқурлашмоқда. Бунинг учун махсус механизмни такомиллаштириш лозимдир. Шу боис айирбошладдаги ҳисоб олиш ишончилигини таъминлаш бўйича ишларни якунлаш зарур. Тошкентдаги улаш линияларининг миқдорини лойиҳа даражасига етказиш ҳозирги кун тартибидagi масалалардан биридир.

Корхоналарда телефон-телеграф трафигини автоматлашган тарзда ҳисобга олиш ҳам жуда муҳимдир. Алоқа корхоналари бу вазифаларни тўла ҳал қилиш имкониятини яратиб беради деб ўйлайман.

Шундай қилиб, республикамиз жаҳон телекоммуникациялари тизимида ўз ўрнини топиши учун ҳамма имкониятлар бор.

Суҳбатни А. КУДИНОВ ёзиб олди

• Алоқа матбуот кузгусида

КАБУТАРЛАР НАЖОТ ИСТАЙДИ

Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, роппа-роса 80 йил почта каптарларидан Швейцария армиясида энг ишончли, энг қулай, энг арзон алоқа воситаси сифатида фойдаланиб келинган. Илгари қанотли алоқачиларнинг сони 30 мингдан ҳам кўп эди. Ҳозир эса улар бор-йўғи 7000 дона қолган.

Яқинда мамлакат ҳарбий федерал идораси қанотли хат ташувчилардан фойдаланиш эскиргани, бунинг устига қимматга тушаётгани сабабли уларни «хизмат»дан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Каптарларни боқиб учун йилига 400 минг доллар сарф бўлар экан.

266 ҳарбий хизматчи эса уларга «парвона» бўлишаркан. Бундай қимматбаҳо хабарчилар ўзини оқламайди, дейилади буйруқда.


Буйруқ Швейцариядаги кўп сонли почта каптарлари ҳаваскорлари клублари аъзоларининг нозиликларига сабаб бўлди. Улар «Почта каптарлари хизматидан фойдаланадиган армия учун» деб номланган комитет ҳам туздилар. Комитет раҳбарияти агар буйруқ бекор қилинмаса, «уч юз минг имзо» тўплаш ҳаракатини бошлаб юборилишини ҳам эълон қилди. Уч юз минг имзо тўпланса, федерал конституцияга «Швейцария армиясида почта каптарлари алоқа хизмат қилиши» ҳақидаги модда киритилиши кўриладиган умумий референдум ўтказилди.

КОИНОТДАН ИККИ ОЛАМ БИР ҚАДАМ

Америка — Россия қўшма корхонаси ҳисобланган «Римсат» хусусий компанияси «Горизонт» йўлдошининг коинотта муваффақиятли чиқарилишини эълон қилди. Бу кенг дастурга мўлжалланган дастлабки парвоздир.

Йўлдош тез суъратлар билан ривожланаётган Осиё-Тинч океани худудида «муаллақ» туриб қолди. Унинг бортида коммуникация ускуналарининг сўнгги синови ўтказилмоқда. Энди рақамли ахборотлар, видео ва телефон алоқаси Ҳиндистон Хитойдан то Австралия ва Янги Зеландиядаги мижозларгача хизмат қилади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 82-ўрта мактаб томонидан Саидолим Акбарович Сайдалиев номига берилган А 043013 рақамли стуклик аттестати йўқ қолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Ливер АБДУМАЖИДОВ Радиомарказ радиоаппаратуралари коммутиация цехида ўтган биринчи иш кунидан манун.

Суратқаш А. РИСКЬЕВ

Андижон вилоятидаги давлат телерадиокомпанияси қошида «Тараққиёт» деб аталмиш тижорат студияси иш бошлади.

ТИЖОРАТ СТУДИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

рат студияси иш бошлади. Хужалик ҳисобидаги бу студия телетомошанилар хоҳишига кўра ахлоқ-одоб, маънавий ҳақда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кун тартибига қўйилган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари, спорт ва меҳнатқашларнинг кўнгилди ҳордиқ чиқаришлари ҳақида қизиқарли туркум кўрсатувлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйган.

Еш телестудиянинг оёққа туриб олишида «Андижонбанк» ҳиссадорлик тижорат банки ҳомилик қилади.

ҲОЖАТБАРОР ПОЧТАЧИ

Фузор туманининг Савлигар қишлоғида жойлашган 19-алоқа бўлимига Хужамурод Эшназаров бошчилик қилиб келади. Бозор иқтисоди қийинчиликлари бу алоқа бўлимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Илгари Савлигар қишлоғи учун 2 нафар алоқачи хизмат қилган бўлса, энди 14 йилдан бўён алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Х. Эшназаровнинг ўзи ҳам бошлиқ, ҳам почтачидир. У 204 нафақахўрга, 19 нафар Ватан уруши фаришларига ва яна шунча ногиронларга нафақаларини ўз вақтида етказиб беради. 250 нафар обуначиларга эса газета-журнал, хат-хабарлар тарқатилди. Х. Эшназаровнинг беминнат хизматидан қишлоқ аҳли мамун. Туман алоқа бўлими унинг меҳнатини тақдирлаб турибди. Уз хизмат вазифасини сидиқидан бажарётган шундай инсонлар доимо бор бўлсин.

Йўлдош МАЛЛАЕВ, Қашқадарь вилояти, Фузор тумани

ЯНГИ АТС ЎРНАТИЛДИ

Қоровулбозордаги автомат телефон станциясининг иш бошлаганига ўн беш йил бўлди. Шаҳар тумани бўйсунган даврларда бу станция эҳтиёжларини бемалол қондиради. Қоровулбозорга туман маркази мақоми берилгандан кейин телефон масаласида танглик юзага келди. Бунинг устига асбоб-ускуналар ҳам эскириб кетганди. Шу боис алоқачилар устидан шикоятлар кўпайди. Қуввати анча салмоқли бўлган квазиэлектронли АТС ўрнатилиши билан барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлди. Энди Қоровулбозордаги абонентлар сифатли телефон хизматида баҳрамандирлар.

ШАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва ҳайъат аъзолари Тошкент Электротехника алоқа институти ректори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги

ТЕЛЬМАН ДАДАЕВИЧ РАЖАБОВНИ

60 ёши билан қизғин табриклайди ва заҳматқаш алломага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хайрли ишларида муваффақиятлар тилайди.

Ватан! XX аср шеърятинда бу буюк тушунча шаънига битилган шохбайлар таллайгина. Масалан, устоз Ҳамид Олимжоннинг «Ватаним деб сени уйғондим», «Ўзбекистон дея аталур, уни севиб эл тилга олур» сингари ўтли сатрлари, замондошимиз Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон — ватаним маним» нақорати, «Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзга ҳал, Балки мен ҳам бахш этарман унга жон-танни» шетрий тиловати... Лекин менинг назаримда ватан ва ватанпарварликнинг нима эканини буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романи мазкур шохбайларга нисбатан ҳам қ-равшанроқ ва руй-ро-строқ кўрсатиб турибди. Айниқса, Юсуфбек Ҳожи тилдан бош қахрамон — Отабекка қарата айтилган куйидаги гаплар ҳар бистими Ватан ва унинг иштиқоби хусусида гоят жиддий мушоҳадага ундай олади: «Мен куб умримни шу юртнинг тинчилиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқнинг не эл эканини

билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан манфаатпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғиндан йўқолмай туриб бизнинг одам бўлишимизга ақлим ет-

пон «дум кўйган шогирд» сифатида устоз ишини ижодий ривожлантира олган. Яъни, ўз ҳузур-ҳаловати, «ёлғиз ўз манфаат шахсияси йўлида» Ватанинг бор-йўқ бисотини, дейлик, энг сўнгги сўфий шоир

куйди — йўқ бўлдим, ишқилиб, топилмади. Демакки, ашаддий ватанфуруш Мирёқуб чинакам ватанпарварга айланмай қолди. Ватанининг тақдир эса, нақд бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида ватанфуруш Мирёқубнинг янада эпчилроқ шогирдлари, ватанпарварлар эмас, танпарварлар, нари борса Раззоқ сўфидек танбаллар, Акбарали мингбошидек нодонлар, Хаст эшондек пиридан безган пешволар қўлида қолди. Айниқса, мустабид шўро тузуми даврида, гарчи оғизда «Ватан обод, халқлар овоз, ҳамма бахтиёр» дея хониш қилинса-да, амалда Юсуфбек Ҳожи ва бу нурилий сиймони яратган Абдулла Қодирий жон-танини бахшида этган муқаддас ватанимиз аёвсиз гораг этилди, халқларимиз Овоз эмас, Деҳқонқул бўлиб қолдилар, бир ҳовуч ватанфуруш танпарварлар — Мирёқуб эпаканинг эпчил шогирдларидан бошқа ҳамма бахтсизликка маҳкум этилди. Натига ҳам шунга яраша бўлди. Етмиш йиллик ёлгоннинг-ку ахийрий миси чиқди, лекин беқиёс моддий ва маънавий хазиналаримизни аёвсиз талон-тарож қилган етмиш йиллик тузум улари-нинг эвазига бизга шундай муд-

ҳиш бисот қолдирди. Аввало «Ватан» ва «Ватанпарварлик» деб аталувчи муқаддас тушунчаларимизни шундай аслига зид шамойил касб эттирдикки, энди уларни аслига қайтармоқ Мирёқуб эпакдек ашаддий ватанфурушни чинакам ватанпарварга айлан-тириш қадар мушкулдир.

Не бахтки, мана, тўрт йилдан буён бу борада ҳам аслимизга дилил қайта бошладик. Чунончи, «Ватанини севмоқ иймондандур», «Биздан овоз ва обод ватан қолсин», «Авал Ватан, кейин жон» сингари гоят кустга ва миллий таг-замини мустаҳкам шиорлар ўртага қўйилмоқда. Кунни кеча ўртага ташланган яна бир шиор баайни узукка қўйилган кўздек бўлди: «Туркистон — умумий уйимиз!»

«ва тан» эмас, бўғинга ажралмас, яхлит бир бутун, бош ҳарф билан ёзилувчи «Ватан» хусусидаги мухтасаргина ўйлар ниҳоясида буюк замондошимизнинг шеърый тиловатини яна бир карра такрорлагим келади:

Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзга ҳал,

Балки мен ҳам бахш этарман унга жон-танни...

• Мустақиллик танловига

ОТАУЛИ ВАТАН ВА ТАН

май қолди... Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғувчи биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим!... Ватанга бахшида умр шомида беалад бир афсус-надоматлар ила тилга олинган, нақадар теран маъноли аччиқ ҳақиқатлар булар! Агар Абдулла Қодирий Юсуфбек Ҳожи тимсолида том маънодаги ватанпарварнинг гўзал рухий-руҳоний оламани санъаткорона чизиб кўрсатган бўлса, яна бир буюк адибимиз Абдулҳамид Чўлпон ўзининг «Кеча ва кундуз» романида Мирёқуб эпак тимсолида, аксинча, учига чиққан ватанфурушнинг маънавий дунёсини қаламга олгандир. Яна шуниси ҳам борки, Чўл-

Адонинг ўз қўли билан битган ноёб газалини ҳам арзон-гаров сотишга шай турган Мирёқуб эпакдек ашаддий ватанфурушни жадид ҳамсуҳбат ёрламида чинакам ватанпарварга айлантиришга уринган! Ўзимизча тасаввур қилишимиз мумкинки, романинг изсиз йўқолган иккинчи китобида том маънода ватанпарвар, чинакам миллий қахрамонга айланган Мирёқуб Сибирга сургун этилган ва у ерда яна бир бош қахрамон — Зеби билан топишган бўлиши эҳтимолдан холи эмас...


Хаёлотни кўя туриб ҳаёт ҳақиқатига келсак, аччиқ ҳаёт ҳақиқати шуки, «Кеча ва кундуз» романининг иккинчи китоби — «Кундуз» қисми учди-

ЭРКАКЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

қадимгиларнинг эр-хотин кўшиладиган кунлари шароб ичишни таъқиқловчи қонунлари жуда оқилона бўлган, бунда улар мастлик пайтида ҳомиладор бўлиб қолиш жисмоний ва ақлий жиҳатдан мукамал бўлмаган бола туғилишига олиб келишини билишган. Ҳомиладорлик пайтида истеъмол қилинган спиртли ичимлик йўлдош орқали ҳомила ҳужайраларига ўтиб, наслга зарарли таъсир кўрсатади, ҳомиланинг жисмоний ва рухий жиҳатдан нуқсонли туғилишига сабаб бўлади.

Баъзи кишилар ичганда одамнинг шахсий кучи ортади, ичкилик жинсий ҳирс-ни кучайтиради деб хато ўйлайдилар. Шу боисдан ҳам баъзи жинсий миждози заифлашган одамлар жинсий алоқа қилиш олдида ичкилик ичиб оладилар. Бундай қилиш жуда зарарли бўлиб, ая-нчли оқибатларга олиб боради. Ичкилик ичиш, аксинча, кишининг иродасини заифлаштириши ва сурункали ичкиликбозликка олиб келиши мумкин. Шекспир Макбет тилидан шундай деган эди. «Вино хотинбозликка рағбатлантиради ва айни вақтда уни сундиради, у истак ўйотади, лекин ҳаракатни кийинлаштиради».

(«ЭРКАКЛАРГА 101 МАСЛАҲАТ» КИТОБИДАН).



Ёдгорликлар — гуруримиз тимсоли.

• АЖАБ ДУНЁ

Яқин шарқ мамлакатларида бир ўсимлик борки, ўзига хос ажойиб хислати учун уни маҳаллий халқ «кулги дарахти» деб аташади. Дарахт паст бўли ва кўрмисиз, меваси ловиядек келади. Мевасини истеъмол қилган киши қийқириб кула бошлайди. Кулги дарахти кишига бир соат чамаси ҳангома бахш этади. Омади келмаган киши, иши юришмаган савдогар, ордан ўлжасиз қайтган сайёҳ, тиш огринига дучор бўлган одам ёки оиласидан ранжиб чиққан киши «кулги дарахти» мевасидан истеъмол қилиб, кўнглини ёзиши ҳам мумкин.

Убай ЗОКОНИЙ

ЛАТИФАЛАР

Бир кунни Жуҳо эшак сотиб олмақчи бўлиб бозорга борди. Йўлда бир киши «Қасққа борибсан?» деб сўради. Жуҳо: — Бозорга бориб, эшак оламам, — деди. — Жуҳо хоҳласа, олсан, — деди йўловчи. Эшак — бозорда, пул — чўнтагимда, бунга Худонинг нима алоқаси бор? — Ужарлик қилди Жуҳо. Бозорга борганида киссаур Жуҳонинг чўнтагини кесиб, пулини олиб кетди. У бозордан қуруқ қайтди. — Қасрдан келясан? — сўради боғия киши. — Жуҳо хоҳласа, бозордан, — деди Жуҳо ва қўшиб қўйди: — Жуҳо хоҳласа, уймага бир амалчаб етиб оламам. Урушин, жангу жадалини хоҳламайдиган бир аскардан сўрашди: — Эй, йигит, нима учун жангда қатнашмайсан? Йигит жавоб берди: — Жуҳо — шохил, мен душман тарафидан ҳеч кимни танимайман. Улардан ҳам ҳеч ким мени танимайди. Танимган одамларнинг бир-бири билан урушини яхши иш эмас. Бир нолон бола оқшом пайти хумагай сувага қараб қўрқиб кетди: — Ойи, ойи, хума бир Ури қирволибди. Боланинг ойиси югуриб келиб хумага қаради ва деди: — Вой, улмасам, югуриб келиб манжадаки ҳам бор! Жуда секин юрадиган эшакка миниб кетаётган одамдан сўрашди? — Йўл бўлсин, бирдор! — Жума номозига боришман. — Йе, бутун сешанба-ку, эсингиз жойидами? Ҳаляти киши бепарволик билан деди: — Эшакимнинг юришини кўрмайсизми? Шу юришида шанба кунни етаманим деб қўрмаман. Бир одам қўшинидан бир нарса сўраган эди, у ҳеч нарса бермади ва буралаб сўкиб берди. Сўраган киши таъбеҳ берди: — Уялмайсанми, ҳам қуруқ кеткисизман, ҳам ҳақорат қилисан? Ҳаляти киши тушунтирди. — Қуруқ кеткисизми уялдим-да, ҳеч бўлмаса сўкиш эшит дедим. Бир камбағал киши табибга борган эди. Камқувватликдан шикоят қилди. — Иштаҳинг борми ўзи? — сўради табиб. Камбағал куйиниб жавоб берди: — Фанат иштаҳим бор, бошқа ҳеч вақоим йўқ. Табиб уни қизлади. — Хурога шукр қил. Шундай бойлар борки, иштаҳаси йўқ, ўзи ҳам смайди, бировгаям сизмайди.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ таржимаси

КАЙФ ОШИРУВЧИ ДАРАХТ

Африка жанубидаги қилват ўрмонлардан бирини Марула деган дарахт ўсади. Унинг меваси пишган пайтда ўша атрофда яшовчи жамики ҳайвонлар ва паррандалар кайф-сафо маросимга йиғилдилар. Улар Марула дарахтининг мевасини еб маст бўладилар. Меванинг шираси ҳайвон организмиде спиртта айланади. Кайфи ошган ҳайвонлар дарахт атрофида худдан кетиб йиқилгунча ўйнайдилар. Фил бир оёғида туриб айланади, маймун эса шохдан-шохта сакрайверади. Дарахт атрофида йиғилган ҳайвонлар бир-бирларидан ҳайиқмайди-лар, ким-кимлигининг фарқига бормайдилар.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ

Билал АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган кўлабмалар (2 орадикда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариқмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидирлар.
Рўйхатга олин №000011. Буюртма №1-0318. 9894 нусxada чон этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 14

ЎзТВ I

17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 18.45 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти. 19.10 Футбол шарҳи. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Ўзбектеелефильм" кўрсатди: "Ўз ерининг эгаси". 20.15 "Анджонлик тadbirkorлар". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот". 21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар. 21.35 "Шаҳар бедарвоза эмас...". 22.20 ЎзТВ фондида. Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 1-қисм. 23.20 Ўзлонлар. 23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирадиган: 18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ". 19.00 "Тахлил". 19.10 "Бу бўстон аро...". 19.40 "Оромгоҳлар кўйнида". 20.20 "Спорт тайми". 20.50 — 22.20 "Офисерлар". Бадийий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.45 — 22.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 "Мульткарусель". 19.00 "Денгиз тўрқувчи аёллари". Телефильм. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). "ОМАД" таништирадиган: 19.50 Мустақиллик оидимлари. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадийий фильм. 20.50 "Жаҳон географияси". 21.40 Ўзлонлар. 21.45 Видео — "О". 23.25 Ўзлонлар. 23.30 "Курьер". 23.50 "... яна об-ҳаво ҳақида". 24.00 — 00.10 "Постфактум".

СЕШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуву.

8.00 Мустақиллик оидимлари. 8.05 Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 1-қисм. 9.05 Немис тили. 9.35 "Анъана ва замон". 10.25 "Ҳинд киноси саҳифаларида". Киноконцерт. 11.10 "Болағиз мактабга тайёрийми?". 11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Буй ўстирувчи дармон дори". Мультфильм. 18.15 Болалар учун. "Санъат гуначалари". 18.40 "Юрт ҳақида кўшиқ". Телетомошабинларнинг талабларига биноан. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Муסיқий дақиқалар. 20.05 "Ўзбекана лутд". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот".

21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар. 21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Тинчлик истар одамлар". Муסיқий композиция. 22.20 ЎзТВ фондида. Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 2-қисм. 23.35 Ўзлонлар. 23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирадиган: 18.30 "Мультфейерверк". 18.45 "Табиат дунёси". 19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия). 20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 21.10 Видеогид. 21.30 "Теле-ателье-шоу". 21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.

22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.45 — 23.35

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мульткарусель". 18.55 "Фильмлар ва тақдирлар". 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.00 "Янги иқтисодиёт". 21.35 "Соккер-клуб". 22.20 "Жаҳон ва биз". 23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуву.

8.00 Мустақиллик оидимлари. 8.05 Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 2-қисм. 9.20 Алифбо сабоқлари. 9.50 Лирик концерт. 10.20 "Ешлик" студияси. "Ойдин йул". 11.00 "Табиат оғушида". Кинодастур. 11.40 — 13.40 "Биз танлаган йул". Видеоканал.

17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун. "Сехрли мўйқалам". 18.40 "Ислохот ва масъулият". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Истиқлол ва истиқбол. "Камчик довоғи — манзил давоғи". 20.10 "Тановор" миллий рақс ансамблининг концерти. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот".

21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар. 21.35 Жаҳон муסיқаси дурдоналари. "Дивертисмент" балет спектаклидан парчалар. 21.55 "Фаройиб ҳодиса". Бадийий фильм. 23.00 Ўзлонлар. 23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбахор" — "Наврўз". 23.50 — 00.15 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирадиган: 18.30 "Едингдами, дўстим...". 18.45 "Абадий қадриятлар". 19.20 Халқ саломатлиги йўлида. 20.05 "Шоҳсуна сари". 20.35 "Тошкент оқшомида". 21.35 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.45 — 23.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 "Мульткарусель". 19.00 "Дўстлар, ҳамкасблар". 19.30 "Ахборот" (рус тилида). "ОМАД" таништирадиган: 19.50 Мустақиллик оидимлари. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадийий фильм. 20.50 — 23.50 "СПОРТ КИТЪА-СИ".

ПАЙШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуву.

8.00 Мустақиллик оидимлари. 8.05 "Ез кунларидан бирида". Бадийий фильм. 9.10 "Ешлик" студияси. "Эзгиллик интилиш". 9.50 "Хуқуқнигази биласизми?". 10.10 Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси талабаларининг концерти. 10.55 Янги китоблар. 11.25 — 13.25 "Маърифат". Видеоканал.



17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Уч қурбақа". Мультфильм. 18.20 Истиқлол ва истиқбол. "Тарих, тақдир, муносабат". Муҳаммад Раҳимхон Феруз. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув. 20.20 "Юзма-юз". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот".

21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар.

21.35 "Бу кўнгиладир, бу кўнгилаб..." Бастакор Комилжон Жабборов кўшиқлари. 22.15 "Товламачи". Бадийий фильм. 23.40 Ўзлонлар. 23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирадиган: 18.30 Мустақиллик оидимлари. 18.35 "Мультфейерверк". 18.55 "Қирол репортажи". 19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия). 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 6.30 — 8.00

18.10 — 20.50

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.50 — 22.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мульткарусель". 18.55 "Романс кечаси". 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.50 "Очиққасига суҳбатлашайлик" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот". 21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар. 21.35 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". Алп Жамол талалудининг 80 йиллиги.

21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар.

21.35 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". Алп Жамол талалудининг 80 йиллиги. 23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирадиган: 9.00 "Мультфейерверк". 9.30 "Табиат дунёси". 10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия). 11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 11.55 Видеогид. 12.15 "Теле-ателье-шоу". 12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 13.05 "Кинонигоҳ". 14.45 — 18.30 "СПОРТ КИТЪА-СИ".

"Тошкент" студияси таништирадиган:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Пульс". Хабарлар. 19.30 "Акс садо". 20.00 "Менинг кўчам". 20.15 "Антенна". 20.50 "Эсдалик учун дастхат". 21.15 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.30 — 20.45

20.45 — 22.00 ЎзТВ. Бадийий фильм.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 22.00 — 23.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Ғафур, Ҳамза ва бошқалар...". 11.00 "Диққат, табиат!". Телефильм. 11.30 — 12.35 Болалар учун фильм.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мульткарусель".

18.10 — 20.50

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.50 — 22.50

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мульткарусель". 18.55 "Уй-музейга тақлиф этамиз". 19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништирадиган:

19.50 Мустақиллик оидимлари. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадийий фильм. 20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 21.10 "Кулгиға нима етсин". 21.35 "Автосалон". 21.55 "Америка юлдузлари". 22.25 Ўзлонлар. 22.30 "Даракчи". 22.40 Ўзлонлар. 22.45 — 00.25 Видео — "О".

ШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуву.

8.00 Мустақиллик оидимлари. 8.05 "Милициядаги ҳодиса". Бадийий фильм.

9.30 "Илҳом". Телевизион клуб. 10.15 "Ўзбекистон — Ватаниманим". Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 2 йиллигиға бағишланган видеофильм. 11.55 "Миразиз куйлаганда". Фильм-концерт. 12.25 "Кувноқ стартлар". Белоруссия — Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг дўстона учрашуви. 13.10 — 14.10 "Ешлик студияси". "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.

17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Болалар учун. "Кичкинтойимиз — гихингстойимиз". 18.35 "Ешлик" студияси. "Меҳриғиё". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Тожикистонлик хонандлар Қодир Миращурилов ва Шухрат Давлатов. 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ахборот". 21.25 Мустақиллик оидимлари. 21.30 Ўзлонлар. 21.35 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". Алп Жамол талалудининг 80 йиллиги. 23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирадиган: 9.00 "Мультфейерверк". 9.30 "Табиат дунёси". 10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия). 11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 11.55 Видеогид. 12.15 "Теле-ателье-шоу". 12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 13.05 "Кинонигоҳ". 14.45 — 18.30 "СПОРТ КИТЪА-СИ".

"Тошкент" студияси таништирадиган:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Пульс". Хабарлар. 19.30 "Акс садо". 20.00 "Менинг кўчам". 20.15 "Антенна". 20.50 "Эсдалик учун дастхат". 21.15 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.30 — 20.45

20.45 — 22.00 ЎзТВ. Бадийий фильм.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 22.00 — 23.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Ғафур, Ҳамза ва бошқалар...". 11.00 "Диққат, табиат!". Телефильм. 11.30 — 12.35 Болалар учун фильм.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мульткарусель".

18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".

19.20 "Таёга фондидаги монолог". Телефильм. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 19.50 "Монитор-Осиё". 20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари. 20.45 "Шир-шакар" (тожик тилида). 21.25 "Интердиалог". 22.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари. 22.15 — 22.45 "Тараққиёт".

ЯҚШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуву.

8.00 Мустақиллик оидимлари. 8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастури.

9.30 "Шоҳрух" клуби. 10.00 "Ватанимға хизмат қиламан". 11.00 "Умрининг унутилмас лаҳзалари". Сулаймон Азимов. 11.45 "Цирк! Цирк! Цирк!". 12.30 "Кўшиқларим сизға армугон". 13.00 — 14.00 "Театр ва замон".

17.55 Мустақиллик оидимлари. Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Мультанорама". 18.35 I Марказий Осиё уйинлари олдидан. 19.00 "Ойнаи жаҳонда...". 19.20 Мустақиллик оидимлари. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Хафтаном" (рус тилида). 20.00 Ўзлонлар. 20.05 "Кўнгил". 20.10 "Ишингиз бароридан келсини". 20.20 "Шарқ дурдоналари". 20.35 "Гиннес-шоу". 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Хафтаном". 21.30 Мустақиллик оидимлари. 21.35 Ўзлонлар. 21.40 "Оҳангар оғушида". 22.05 "Юлдузли онлар". Яқшанба куну дастури. 00.15 Ўзлонлар. 00.20 — 01.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Темрирўлчи".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирадиган: 10.00 Мустақиллик оидимлари. 10.05 "Мультфейерверк". 10.25 "Қирол репортажи". 11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия). 12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".

17.00 "Совға". 17.30 "Жаҳон географияси". 18.20 Ўзлонлар. 18.25 Видео — "О". 20.05 Ўзлонлар. 20.10 "Курьер". 20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида". 20.40 "Постфактум". 20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.

21.10 "Компьютер-Осиё". 21.40 "Кулгиға нима етсин". 22.05 "Америка юлдузлари". 22.25 Ўзлонлар. 22.40 "Даракчи". 22.50 Ўзлонлар. 22.55 — 00.35 Видео — "О".

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.20 — 21.55

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.55 — 22.25

22.25 — 23.45 ЎзТВ. "Ўзбекистон келма". Бадийий фильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 9.00 "Эй! Тонгнинг хайрли бўлин!". Мультфильм. 9.30 "Менинг кўчам". 9.45 "Хонадонингизға тинчлик-хотиржамлик". 10.45 "Эртақларининг сехрли олами". 12.25 — 12.35 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.10 "Муסיқий саёҳат". 19.30 "Хафтаном" (рус тилида). 20.00 "Булоқлар кўз очганда". 20.30 "Дунё эшиғи". 21.10 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.20 "Ўзбекистон — ҳамкорлик йули". 23.00 "Бу ажиб дунё". 23.20 — 23.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" теледастуридан олинди).